

ЎЗБЕКИСТОНДА МҲХС ФОНДИНИ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Уролова Чарос Шавкатовна

*Ўзбекистон республикаси Банк молия
академияси магистранти*

Аннотация: Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари (МҲХС)-молиявий ҳисоботларни тайёрлаш қоидаларини белгилайдиган стандарт ва шарҳлар мажмуасидир. Стандартлар халқаро МҲХС фонди томонидан ишлаб чиқилади. Ўз навбатида фонд иккита қисмдан иборат бўлиб, МҲХС Кенгаши ва МҲХС шарҳи бўйича Кўмитадан ташкил топган. Мақолада, Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларини Республикамиз амалиётига жорий этиш ва қўлланишидаги муҳим ҳисобланган масалалар бўйича тадқиқот ёритилган.

Калит сўзлар: Молиявий ҳисобот, корхона, давлат, стандарт, бозор, халқаро, ликвидлик, ривожланиш, фойда, зарар.

Annotation: The International Standards for Lightning-fast Spacecraft (ISS) are a set of standards and standards established on spacecraft of lightning-fast spacecraft. The standards are developed by the International Agency for Standardization. In turn, the fund consists of two parts, Council ISS, ISS formed from the committee on review. The article covers research on the issues considered to be relevant in the introduction and application of international standards of financial statements to the practice of our Republic.

Keywords: Financial reporting, enterprise, state, standard, market, international, liquidity, development, profit, loss.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС)нинг татбиқ этилиши ҳисобнинг ягона усулларини қўллаш орқали компанияларни ички бошқарув тизимини такомиллаштириш, манфаатдор томонларга корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида маълумот бериш ва компаниянинг рақобатбардошлигини ошириш имконини беради. Шу сабабли ҳам бугунги кунда компаниялар томонидан халқаро бозорларга чиқиши, шунингдек, салоҳиятли инвесторларни

жалб қилишда МХХСга мувофиқ молиявий ҳисобот тайёрлаш муҳим ва у ҳаётий заруратга айланиб бормоқда.

Бугунги кунда, бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти сифатида иккита эталон: Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари – МХХС (International Financial Reporting Standards – IFRS) ҳамда АҚШнинг Бухгалтерия ҳисобининг умумқабул қилинган қоидалари – ВНУҚ (Generally Accepted Accounting Principles – GAAP) тан олинган. Жаҳон фонд бозорларида листингдан ўтиш учун тақдим қилинадиган молиявий ҳисобот айнан шу икки стандарт талаблари асосида тайёрланади ва тақдим этилади. Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, АҚШ фонд бозори листингига кириш учун GAAP (ВНУҚ) талаблари, қолган фонд биржалари учун эса МХХС талаблари асосида молиявий ҳисобот тақдим этилади [1].

МХХСни қабул қилиш ва унга мувофиқ ҳисобот тақдим этиш глобал бозорда ягона молиявий ахборот алмашиш муҳитини яратади. Бу жараён ўз навбатида, ахборот шаффофлиги, ҳисобдорлик ва иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилади. Шунингдек, МХХС қўлланиши бозор ликвидлиги яхшиланиши, капитал бозорларининг ривожланиши, қимматли қоғозлар бозорларида савдолар кўламининг кенгайиши, хорижий инвестицияларнинг миллий бозорга кириб келиши ва инвесторларни ҳимоя қилишнинг такомиллашишига олиб келади. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу ижобий натижаларга эришиш учун МХХСни миллий бозорда самарали татбиқ этиш чора-тадбирларни амалга ошириш лозим бўлади [1].



1-чизма. МХХС фондининг ташкилий тузилмаси.

Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартлари (МХХС)-бу ташқи фойдаланувчиларга иқтисодий қарорларни қабул қилиш учун муҳим бўлган, молиявий ҳисоботларни тайёрлаш қоидаларини белгилайдиган стандарт ва шарҳлар мажмуасидир. Стандартлар халқаро нотижорат ташкилоти, яъни МХХС фонди томонидан ишлаб чиқилади. Ўз навбатида фонд иккита қисмдан иборат булиб, МХХС Кенгаши ва МХХС шарҳи бўйича Қўмитадан ташкил топган. Стандарт қоидаларини тўғри талқин қилиш, баъзи бир алоҳида ҳолатларда қоидаларни қўллашда изоҳлар бериш мақсадида, ҳозирги кунгача МХХС шарҳи бўйича Қўмита томонидан 23 та стандартларга шарҳлар ишлаб чиқилган [2].

Дунёнинг кўплаб мамлакатларида кенг фойдаланиладиган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) бугунги кундаги турли хил бизнес жараёнларига мувофиқ равишда такомиллашиб бормоқда.

Жумладан, жорий ойда молиявий ҳисоботнинг стандартларини ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган мустақил халқаро ташкилот ҳисобланган МХХС фонди томонидан янги стандарт 18-сонли МХХС “Молиявий ҳисоботларни

тақдим этиш ва ошкор қилиш” эълон қилинди. Ушбу стандарт 1-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) “Молиявий ҳисоботларни тақдим этиш”нинг ўрнини эгаллайди. Янги стандарт 2027-йил 1-январдан бошлаб кучга кириши белгиланган бўлиб, ташкилотларга стандартни ушбу санадан олдин ихтиёрий равишда қўллашга рухсат этилиши белгиланган. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўллаш учун МҲХС матни тан олинган (2022-йил 9-декабрда рўйхатдан ўтган, р/р.3400) [3].

Мазкур МҲХС стандарти ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларни тақдим этиш ва ошкор этиш билан боғлиқ масалаларни яхшилашга, унда фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган молиявий натижалар бўйича маълумотларни тақдим этишга алоҳида эътибор қаратилган. Шу билан бирга янги 18-сонли МҲХС стандартининг асосий талаблари ва ундан фойдаланиш сабаблари қуйидагилардан иборат:

Фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда қўшимча белгиланган оралиқ суммаларни киритиш. Бунда фойда ёки зарар тўғрисидаги ҳисоботда белгиланган оралиқ суммаларни қўшиш ташкилотларнинг молиявий кўрсаткичларини солиштиришни осонлаштиради ва инвесторлар таҳлили учун изчил бошланғич нуқтани таъминлайди;

Раҳбарият томонидан белгиланган самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида ёритиб бериш. Ташкилотлардан раҳбарият томонидан белгиланган самарадорлик кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни ёритиб беришни талаб қилиш улардан фойдаланиш бўйича интизомни ва уларни ҳисоблашнинг шаффофлигини оширади;

Маълумотни гуруҳлаш (жамлаш ва ажратиш) учун янги тамойилларни жорий қилиш. Маълумотларнинг бирламчи молиявий ҳисоботларда ёки изоҳларда бўлиши кераклиги тўғрисидаги талабларни белгилаш ва зарур бўлган батафсиллик даражаси бўйича тамойилларни тақдим этиш маълумотларнинг самарали мулоқотини яхшилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1 Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризайев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2019. – 227 б.

2. Ризайев, Х. Ўзбекистон республикасида МҲХСни қўллаш амалиётини такомиллаштириш. Молия ва банк иши, 10(3) 2024.

3. <https://www.imv.uz/> *Иқтисодиёт ва молия вазирлиги*